

«Хусни таълил» арабча «чиройли далиллаш» маъносини билдиради. Адабий асарларда тасвирланаётган бирор ходиса-га шоирона бирон сабаб кўрсатиш санъати шу ном билан аталади. Масалан, мана бу байтда Навоий хусни таълил санъатидан фойдаланган холда такрорланмас тимсолий ифода яратган:

Катра конларким томар кўксимга ургон тошдин,  
Захмдиндир демаким, кон йиглар ахволимга тош.

Хижрон аламига чидай олмаган ошик ўз кўксига тош урап экан, ерга кон томмоқда. Шоир таърифича, бунинг сабаби тошнинг баданга еткизган яраси эмас (кон ярадан окаётгани йўқ), балки ошик калбига урилган тош унинг баг-ридаги гамнинг кучлилигига чидай олмасдан конли ёш тўкиб йигламокда. Кўринадики, бу хил таълил — сабаб образли фикрнинг кучайтирилишига хизмат килган.